

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ
ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА
ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Келишев Зайниддин Музаффар ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 313-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Мақола профилактика инспектори ва Навбатчилик қисми ўртасида хуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий ва қонуний жиҳатларини таҳлил қилинади. Унда фаолиятни ташкил этиш тартиби, мурожаатлар ва воқеа-ҳодисалар юзасидан тезкор маълумот алмашиш, тегишли чораларни қўллаш ҳамда профилактика тадбирларини мувофиқлаштириш механизмлари кенг қўламда кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, Навбатчилик хизмати, хуқуқбузарлик профилактикаси, ҳамкорлик механизмлари, тезкор ахборот алмашиш, мурожаатлар билан ишлаш.

Аннотация: В статье анализируются практические и правовые аспекты сотрудничества между инспектором по профилактике и дежурной частью в сфере профилактики правонарушений. В нем будут рассмотрены порядок организации деятельности, механизмы оперативного обмена информацией по обращениям и событиям, применения соответствующих мер и координации профилактических мероприятий.

Ключевые слова: Инспектор по профилактике, Дежурная служба, профилактика правонарушений, механизмы сотрудничества, оперативный обмен информацией, работа с обращениями.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида профилактика инспектори ва туман-шаҳар ички ишлар бўлимларининг Навбатчилик қисми ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ички ишлар органлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бу ҳамкорлик, аввало, маъмурий хуқуқбузарликлар, жиноятлар, фуқароларнинг мурожаатлари ва турли воқеа-ҳодисалар юзасидан тезкор маълумот алмашиш, фавқулодда чора кўриш ва воқеа жойига сўзсиз етиб бориш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Профилактик тадбирлар самарадорлиги кўп жиҳатдан айнан ушбу икки бўғиннинг мувофиқ, тизимли ва ўз вақтидаги фаолиятига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида [1] **хар бир фуқаро давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани, ҳамда бундай мурожаатлар белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги** қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий норма профилактика инспектори ва навбатчилик хизмати фаолиятида ҳал қилувчи ўрин тутади, чунки фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, таҳлил қилиш ва улар асосида ҳуқуқий чора кўриш айнан мазкур икки бўғиннинг мувофиқ ҳамкорлигини талаб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш, уни аҳолига янада яқинлаштириш ва замонавий талабларга мослаштириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги ПҚ–3919-сон “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” [2] ги қарори соҳа ривожига муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Ушбу қарорда ички ишлар органлари фаолиятида аниқ вазифаларни белгилаш, куч ва воситаларни реал криминоген вазиятдан келиб чиқиб оқилона тақсимлаш, тезкор бошқарувни марказлаштириш ва таҳлил асосида қарор қабул қилиш каби устувор вазифалар белгиланди.

Қарорга мувофиқ, ички ишлар органларининг кундалик фаолиятидаги тизимли камчиликлар — куч ва воситалар бошқарувининг етарли мувофиқлашмаганлиги, профилактик ишлар таҳлилининг паст даражада экани, шахсий таркиб билан ишлашдаги бўшлиқлар каби муаммолар чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича амалий механизмлар ишлаб чиқилди. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлиги таркибида Ташкилий департамент ташкил этилган бўлиб, Навбатчилик қисмлари фаолиятини ягона бошқарув ва назорат тизимида мувофиқлаштириш, криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жойлардаги чора-тадбирларни режалаштириш унинг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Навбатчилик қисмларининг айнан ушбу департамент таркибида бўлиши улар фаолиятидаги назорат, таҳлил ва тезкор бошқарувнинг сифат жиҳатдан янги даражада ташкил этилишига хизмат қилди.

Шу билан бирга, ахборот алмашинувини рақамлаштириш ва фуқароларнинг мурожаат қолдириш имкониятларини соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар профилактика инспектори ва навбатчилик хизмати ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлади. Жорий этилган “102” қисқа рақами орқали фуқаролар томонидан келиб тушаётган хабарлар инспекторнинг ҳудуддаги вазиятдан ўз вақтида хабардор бўлишини, воқеа жойига тезкор етиб

боришини ва ҳуқуқий чораларни қонун талабларига мувофиқ белгилашини таъминламоқда. Аҳоли тўғридан-тўғри профилактика инспекторига мурожаат қилиш имконига эга бўлса-да, аксарият ҳолларда мурожаатлар навбатчилик қисми орқали қабул қилинаётгани, ушбу икки бўғиннинг узвий ҳамкорлиги қанчалик зарур эканини яққол кўрсатади.

Профилактика инспектори ва навбатчилик хизмати ўртасидаги ҳамкорлик раҳбарият томонидан берилган топшириқларни етказиш, улар ижросини назорат қилиш, профилактик тадбирларни мувофиқлаштириш, аҳоли билан ишлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Маҳалла ҳудудида доимий хизмат олиб борадиган профилактика инспектори фуқаролар билан бевосита мулоқотда бўлиб, улардан келиб тушаётган маълумотларни навбатчилик хизматига тезкор етказиши профилактик ишларнинг тизимли ва самарали ташкил этилишига замин яратади.

2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» [3] ги ЎРҚ–445-сон Қонун фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни аниқ ва шаффоф ҳуқуқий асослар асосида ташкил этишга хизмат қилади. Қонунда ариза, таклиф ва шикоят тушунчаларидан ташқари, электрон мурожаат, такрорий мурожаат, аноним мурожаат, мурожаат дубликати, оммавий қабул ва видеоконференцалоқа каби механизмлар жорий этилгани профилактика инспектори ва Навбатчилик қисми томонидан мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва улар бўйича тезкор чора кўриш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди. Бу эса улар ўртасидаги ахборот алмашинуви ва вазифалар мувофиқлашувининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.

Мурожаатлар билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари учун жавобгарликнинг белгилангани ҳам профилактика инспектори ва навбатчилик хизмати фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги [4] кодексининг 43-моддаси ва Жиноят кодексининг [5] 144-моддасида мурожаатларни кўриб чиқмаслик, уларни асоссиз рад этиш ёки мурожаат қилган шахсга тазйиқ ўтказиш учун жавобгарлик белгилангани профилактика инспектори ва навбатчилик хизмати ходимларининг мурожаатларга нисбатан масъулиятли, қонуний ва адолатли муносабатини таъминлайди. Бу орқали ҳар бир мурожаат устувор аҳамиятга эга бўлган ахборот сифатида қабул қилинишига эришилади.

Мурожаатлар билан ишлаш амалиёти фақат ушбу Қонун билан чекланиб қолмай, жиноят ва ҳодисаларга оид маълумотларнинг ҳуқуқий мақоми, терговга қадар текширув ва процессуал қарор қабул қилиш тартибини ўз ичига олган кенг норматив базага таянади. Бу ҳолат навбатчилик қисмига келиб тушган ҳар бир ариза ёки хабар профилактика инспекторининг тезкор иштироки ва жойига

чиқиши билан узвий боғлиқ эканини кўрсатади. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлиги айнан ушбу ҳуқуқий механизмларнинг икки бўғин ўртасида қандай амалда қўлланишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3528-сонли “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги [6] қарори асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида амалга оширилган туб ўзгаришлар ҳам профилактика инспектори ва навбатчилик хизмати ўртасидаги ҳамкорликни тубдан кучайтирди. Туман ва шаҳар ички ишлар бўлимларида ташкил этилган мувофиқлаштириш бошқармалари куч ва воситаларни ҳудуддаги ҳақиқий вазиятдан келиб чиқиб тақсимлаш имконини яратди. Бу эса навбатчилик қисмида қайд этилган ҳар бир мурожаатни тегишли профилактика инспекторининг ваколатига тез ва аниқ тақсимлаш, улар ўртасида функционал боғлиқлик ва масъулият чегараларини белгилашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, 2020 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” [7] ги Низом профилактика инспектори фаолиятидаги “мурожаат” тушунчасини амалий жиҳатдан тўлиқ белгилаб берди. Унга кўра, ҳар қандай оғзаки, ёзма ёки электрон хабар жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаат ҳисобланади ва улар навбатчилик хизмати томонидан ягона тартибда расмийлаштирилиши шарт. Бу механизм навбатчилик қисми ва профилактика инспектори ўртасидаги ахборот алмашинуви, жойига чиқиш, чора кўриш ва ҳисобот юритиш жараёнларини ягона стандарт асосида амалга оширишни таъминлайди.

Шундай қилиб, амалдаги қонунчилик ва соҳавий қарорлар профилактика инспектори ҳамда навбатчилик хизмати ўртасидаги ҳамкорликни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб, мурожаатларни қабул қилишдан тортиб, уларни ҳал этишгача бўлган барча жараёнларни аниқ ва мувофиқлаштирилган тарзда ташкил этиш имконини беради. Бу ҳамкорлик куч ва воситаларни мақсадли тақсимлаш, ҳуқуқбузарликлар ва фавқулодда ҳолатлар юзасидан тезкор маълумот алмашиш, тегишли чоралар кўриш ва воқеа жойига сўзсиз етиб бориш каби вазифаларни ўз ичига олади. Шу тарзда профилактика тадбирлари самарадорлиги оширилади ва аҳоли хавфсизлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2018 йил 23 августдаги ПК-3919-сонли қарори.
3. 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–445-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2025 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2025 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПК–3528-сонли “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори.
7. 2020 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” [7] ги Низом.